

ПИШИТИЛГАН ИПЛАРНИ ҚАЙТА ЎРАШ НАТИЖАСИДА УНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ ЎЗГАРИШИ

Маг А.Юсупов, Ш.Қорабаев, Х.Парпиев (НамМТИ)

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тўқимачилик саноати мисли кўринмаган даражада юксалди. Юксалиш асосан чет элдан келтирилган янги техника-технология ҳисобига амалга оширилмоқда. Тўқимачилик саноати буюмларини янги илғор техника ва технология асосида йиғирилган юқори сифатли якка ва пишитилган иплардан тайёрланмоқда. Сифатли якка ва пишитилган ипларни тайёрлашда табиий толалардан пахта, ипак, жун, зигирпоя канош, шунингдек, сунъий ва синтетик химиявий толалар асосий хом ашё ҳисобланади.

Бўялган ва пишитилган ипларнинг сифати, чидамлилиги уларни ташкил этган толаларнинг механик, физик, химиявий хоссалари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни санаб ўтилган кўрсаткичлари бир-бирига мутаносиб бўлиши зарур. Шунинг учун сифатли ип олиш ва пишитилган ипларни физик-механик хоссаларини ўзгартирилмаган ҳолда бўяш ҳозирда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ва ип буюмларининг кўрсаткичларини ўлчаш, баҳолаш ёки синаш учун техник восита зарур. Бу восита қанчалик ишончли ва мукамал бўлса тажриба натижаси ҳам аниқ бўлади. Воситаларда [1] ўлчашни ёки синов олиб боришни субъект иштрокисиз ўтказиш, яъни ташқи таъсирни камайитиришга интилиш ривожланишнинг муҳим жиҳатидир.

Тадқиқотларда пишитилган ипларни бўяш вақтида унга моддаларни таъсирини механик синов кўрсаткичлари асосида баҳоланди. Намуна сифатида 25x2 тексли пишитилган ипни турли рангларда бўялиб, оқартирилиб сўнгра унинг хоссалари ўрганилди. Пишитилган ип оқартирилиб, қора ва пушти рангда бўяб олинди ва намуналарни хоссалари текширилди. Намуна сифатида текширилган ипларнинг хоссаларини стандарт талаблари асосида текширилди ва натижалари 1-жадвалда келтирилди.

Пишитилган ипларни қайта ўраш натижасида унинг механик хоссаларини ўзгариши


1-жадвал

Т/р	Ипнинг хосса кўрсаткичлари	Ишлов берилмаган (хом) ип	Оқартирилган ип	Қора ранг берилган ип	Пушти ранг берилган ип
1	Ипнинг чизиқли зичлиги,	25x2	25x2	25x2	25x2
2	Устер бўйича ипнинг нотекислиги, U_m (%)	8,57	9,27	8,6	9,25
3	Узулиш кучи, sN	683,5	718,5	635	715
4	Вариация коэффиценти,	10,82	11,7	10,87	11,65
5	Нисбий узилиш кучи, $cN/текс$	13,67	14,37	12,7	14,3


6	Нисбий узилиш кучи бўйича вариация коэффиценти, CV %	5,52	6,58	4,55	7,04
7	Узилишдаги нисбий узайиши, %	5,5	5,1	4,6	4,62
8	Узилишдаги нисбий узайиш бўйича вариация коэффиценти, CV %	6,09	6,03	4,81	6,59

Намуна сифатида олинган 25x2 пишитилган ипларнинг узулиш кучи ва вариация коэффиценти бўйича ўзгариш диаграммаси

1-ишлов берилмаган ип, 2-оқартирилган ип, 3-қора ранг берилган ип, 4-пушти ранг берилган ип.



Узилиш кучи, сН



Вариация коэффиценти, %

Олинган натижаларга ишлов берилгандан сўнг уларни хоссаларини бир-бири билан таққослаб кўрилди. Текширилган бир хил чизиқли зичликдаги турли хил ишлов берилган ипларни(*ишлов берилмаган ип, оқартирилган ип, қора ранг берилган ип, пушти ранг берилган ип*) хоссалари бир-биридан фарқ қилди. Устер бўйича нотекислиги оқартирилган ипда катта чиқган бўлсада нисбий пишиқлиги бўйича энг яхши натижани кўрсатди. Тажрибадан пушти ранг ип таркибига қора рангдан кўра камроқ таъсир қилиши келиб чикди.

Механик кўрсаткичларни турли ҳолда бўлишига уларни бўяшдаги кимёвий моддаларни таъсир қилиш вақтини асос қилиб олиш ўринлидир. Қора ранг олган ип узок муддат бўёқ суюқлигида бўлиши энг асосий механик хоссаларини қолган намуналарга нисбатан камайиши асосланди.

Бундан ташқари таркиби турлича синфлардан тайёрланган толаларни ва уларнинг маҳсулотларини бўяш учун толаларни алоҳида-алоҳида бўёқ моддалари билан бўяш мақсадга мувофиқдир, ҳамда толаларни ва ипларни бўяш ҳарорати ва вақти оптимал бўлиши керак. Тадқиқот ишида асосланган назарий ва амалий ҳулосалар Ўзбекистонда тўқимачилик саноати корхоналарида ассортимент имкониятларини маҳаллий ҳом-ашёлардан фойдаланган ҳолда кенгайтириш орқали ички ва ташқи бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан бойитиш, ип ишлаб чиқариш техника ва технологиясини ривожланиш тенденциялари, амалиётда қўлланилиши таҳлил этилади.